

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ**383 Тошкент шаҳрида кўп тармоқли муз комплексини  
қуришни ташкил этиш тўғрисида****[Кўчирма]**

Халқаро талаб ва стандартларни ҳисобга олган ҳолда, спортнинг олимпия турларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, жисмонан ва маънан ривожланган ўсиб келаётган авлодни шакллантиришнинг муҳим шарти сифатида, болаларнинг сифатли дам олишини таъминлаш ва болалар оммавий спортини ривожлантириш, уларга соғлом турмуш тарзи ва спортга муҳаббат ҳиссини сингдириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида қишки спорт турларини фаол тарғиб қилиш ва оммалаштириш мақсадида:

1. «Ўзбекнефтгаз» МХК, Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2017-2018 йилларда Тошкент шаҳар Чилонзор туманининг Олмазор ва Бешёғоч кўчалари кесишувида жойлашган, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган «Нито Арена» кўп тармоқли муз комплексини қуриш бўйича лойиҳани (кейинги ўринларда — лойиҳа) амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қатор ташкилотлар, жумладан, хорижий ташкилотларнинг Тошкент шаҳридаги «Нито Арена» кўп тармоқли муз комплекси қурилишини ташкил қилишда иштирок этиш ҳақидаги ташаббуслари маъқуллансин.

3. Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

«Wind Rose» МЧЖ (Ўзбекистон) — буюртмачи;

«Enter Engineering Pte.Ltd» компанияси (Сингапур) — бош пудрат ташкилоти;

«Heerim Architects & Planners Co., Ltd» компанияси (Жанубий Корея) — бош лойиҳа ташкилоти;

буюртмачининг ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалари — молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

4. Лойиҳани амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида:

лойиҳа-смета хужжатларини бир босқичли тартибда (ишчи лойиҳа) ишлаб чиқиш;

лойиҳалаштириш билан бир вақтда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат этилсин.

5. Тошкент шаҳрида кўп тармоқли муз комплексини қуриш лойиҳасини амалга ошириш бўйича иловага мувофиқ таркибдаги Ишчи гуруҳи ташкил этилсин, унинг зиммасига лойиҳани амалга ошириш ва уни 2018 йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириш билан боғлиқ комплекс масалаларни ўз вақтида, тезкор ҳал этиш борасида вазирлик ҳамда идораларнинг иши ва ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

6. Лойиҳани амалга ошириш доирасида:

буюртмачи — ҳомийлардан «Нито Агепа» кўп тармоқли муз комплекси қуриш учун олинган даромад солиғи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норезидентлари — бош пудрат ташкилоти ва бош лойиҳа ташкилоти томонидан бажарилган ишлар (хизматлар) бўйича қўшимча қиймат солиғидан;

буюртмачи, бош пудрат ташкилоти ва субпудрат ташкилотлари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича жумладан, «вақтинчалик олиб кириш» божхона режимида олиб келинадиган махсус техника, ускуналар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, материал ва механизмлар учун 2020 йил 1 январгача божхона тўловларидан;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган субпудратчилар ва етказиб берувчилар томонидан буюртмачи, бош пудратчи ва бош лойиҳа ташкилотларига сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қўшимча қиймат солиғидан;

бош пудрат ва бош лойиҳа ташкилоти лойиҳани амалга ошириш доирасида доимий муассаса сифатида ва тўлов манбалари орқали олиннадиган даромад солиғи (шу жумладан соф даромад солиғидан), шунингдек, лойиҳани амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган мулк солиғидан озод этилсин;

буюртмачининг хорижий ходимлари, бош лойиҳа, бош пудратчи ва уларнинг субпудратчи ташкилотлари лойиҳани амалга ошириш доирасида жисмоний шахсларнинг даромад қисмидаги даромад солиғидан озод қилинсин.

7. Белгилансинки, лойиҳани амалга ошириш доирасида:

лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган жисмоний шахсларга бериладиган бепул овқат қиймати ягона ижтимоий тўлов, жисмоний шахслар даромад солиғи ва фуқароларнинг суғурта бадалларини ҳисоблашда солиқ солинадиган объектга киритилмайди;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий муассасалар орқали фаолият юритадиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари учун жисмоний шахслар даромад солиғини ҳисоблашда лойиҳани амалга ошириш доирасида тақдим этиладиган хайрия маблағлари миқдори ҳисоблаб чиқариладиган сарф-харажатларга қиради.

8. «Нито Агепа» кўп тармоқли муз комплексини қуриш лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

лойиҳани амалга оширишга жалб этилган хорижий фуқароларнинг яшаши (жойлашиши) учун кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси валютасида тўлашга рухсат этилсин.

9. Буюртмачи хорижий ва Ўзбекистон Республикаси валютасида пул шаклидаги хайрия маблағларини, шунингдек, товарлар, ишлар ва хизматларни олиш ҳуқуқига эга эканлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10. Лойиҳани амалга ошириш даврида «Нито Агепа» кўп тармоқли муз комплекси қуриладиган ҳудудда лойиҳа доирасида вақтинчалик юкларни расмийлаштириш божхона омборидан фойдаланишни ташкил этишга истисно тариқасида рухсат этилсин.

11. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ваколатли ташкилотлар билан ҳамкорликда «Нито Агента» кўп тармоқли муз комплексини қуриш даврида, шунингдек, ундан кейинчалик фойдаланиш учун мавжуд муҳандислик тармоқларига (электр таъминоти, табиий газ, марказий иситиш тизими, иссиқ ва совуқ сув, марказлаштирилган канализация тизими) уланиш ва улардан тўлиқ ёки қисман фойдаланиш, шу жумладан, инфратузилма объектларига хизмат кўрсатиш учун табиий газдан фойдаланишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги буюртмачининг талабномаларига кўра, мазкур лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштиришни таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги буюртмачининг талабномаларига кўра, ушбу лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассисларга давлат божи ундирилмасдан, кўп марталик кириш визалари берилишини ва уларнинг муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги буюртмачининг талабномаларига кўра, мазкур лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган юқори малакали хорижий мутахассисларни (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасида бундай мутахассислар бўлмаган тақдирда) Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар беришни (муддатини узайтиришни), шунингдек, уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берадиган тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ва объектни қуришда қурилиш-монтаж ишлари бажарилишининг сифати устидан тегишли архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ф.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 11 май,  
ПҚ-2964-сон